




2-бет

3-бет

4-5 бетлар



6-бет



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 177 (9.980)

2003 ЙИЛ 9 СЕНТЯБРЬ

МАЛАЙЗИЯ ҚИРОЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллайл зоти олийлари 7 сентябр куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Конституциявий монархия ҳисобланган Малайзия федерал давлат бўлиб, 13 штатдан иборат. Уларнинг тўққизтасида ҳокимият ворислари ҳукмдор, тўрттаси губернаторлар томонидан бошқарилади.

Ворис ҳукмдорлар 5 йил муддатга Янг Ди-Пертуан — олий ҳукмдорни сайлайди. 2001 йилнинг декабрида бу юксак лавозимга Перлис ҳукмдори Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл сайланган.

Конституцияга биноан, Янг Ди-Пертуан ҳукумат ва парламент тавсияларига таянган ҳолда давлатни бошқаради. Ҳукумат қарорлари Қирол томонидан тасдиқланиши лозим. Олий бош кўмондон ҳисобланган Янг Ди-Пертуан парламент қабул қилган қонунлар, Бош вазир номзоди ва Федерал (Олий) суд таркибини тасдиқлайди.

8 сентябр куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қирол шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл шохсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Малайзия раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

Ислоҳ Каримов ва Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайлнинг яккама-якка суҳбатидеги икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик, хавфсизлик ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама этилди.

Малайзия Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. 1992 йилнинг июнида Президент Ислоҳ Каримов расмий ташриф билан ушбу мамлакатга борганидаёқ икки томонлама алоқаларни мувофиқлаштирувчи муҳим ҳужжатлар қабул қилинган эди. 1993 йилнинг апрелида Бош вазир Маҳтўр Муҳаммад Ўзбекистонга келди ва ташриф чоғида муносабатларнинг ҳуқуқий асоси янада бойиди.

Мустақам ҳуқуқий пойдевор ҳукумат делегацияларининг ўзаро ташрифларини амалга ошириш, вазирилик ва муассасалар, ишбилармон ва илмий доираларнинг мулоқотларини ривожлантиришга имкон яратди.

Айни пайтда Ўзбекистон-Малайзия муносабатлари ҳар жабада жадал ривожланмоқда. Орадаги масофа нисбатан катта бўлишига қарамай, икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишга интилиб келмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Малайзия сармоядорлари иштирокيدا тузилган 18 қўша корхона фаолият ўрнатилди. Айниқса «Hotel Uzbekistan», «Uzmascom», «Uzbekleasing international» каби корхоналар номи юртдошларимизга яхши таниш.

Маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам катта суръат билан ривож топмоқда. 1998 йили «Ўзбекистон-Малайзия» дўстлик жамияти тузилган. Икки мамлакат академиялари, олий ўқув юртлири ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланган. Малайзиялик санъаткорлар «Шарқ тароналари» ҳалқаро мусика фестивалининг доимий иштирокчиларидир.

Айни пайтда мамлакатларимизда савдо-иқтисодий ва сиёсий йўналишларда, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш учун имкониятлар кўп. Малайзия «Осиё йўлбарслари» номини олган давлатлар қаторига киради. У Япониянинг катта суръатли иқтисодий ўсиш моделига таяниш, хорижий технология ва сармоя жалб этиш, саноати ривожланган давлатларнинг илгор тажрибасини ўзлаштириш, импорт ўрнини қоплаш ва экспорт салоҳиятини ошириш, ижтимоий-сиёсий барқарорлик туфайли иқтисодийётни замонавийлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритган.

Ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида Малайзия макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ривожланаётган давлатлар орасида илгорлар сафидан жой олиб, айрим ривожланган давлатларга тенглашиб олди.

1997 йили Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида рўй берган иқтисодий инқироз Малайзия ўсишига ҳам салбий таъсир кўрсатган бўлса-да, мамлакат унинг асоратларини



қисқа вақт ичида бартафакт эта олди. Ўтган йили ялпи ички маҳсулот 4,2 фоиз ўсгани қайд этилди.

Малайзияда қайта ишлаш саноати яхши ривожланган. Асосий қисми электроника ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат бу соҳага ялпи ички маҳсулотнинг 30,1 фоизи тўғри келади. Кимё, озиқ-овқат саноати, металлни қайта ишлаш, транспорт жиҳозлари ишлаб чиқариш соҳалари ҳам тараққий этган.

Мамлакатда «Протон», «Перодуа» ва «Хайком» деб аталувчи учта миллий автомобилсозлик компанияси бор.

Сиёсий соҳада томонларнинг кўпгина халқаро муаммоларга муносабатлари ўхшашлигини айтиш ўринлидир. Икки давлат халқаро ташкилотлар доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, бир-бирининг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келади. Айни пайтда Малайзия Кўшилмаслик ҳаракатига раҳбарлик қилмоқда. Келаси ойдан эса Ислоҳ конференцияси ташкилотига раислиқни ҳам қабул қилиб олади.

Буларнинг барчаси мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқиш учун имкониятлар етарли эканлигидан далолатдир. Ислоҳ Каримов Дўрмондаги мулоқот чоғида Ўзбекистон Малайзия билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлар экан, Қиролнинг ташрифи бунинг учун янги имкониятлар очажоғига ишонч билдирди.

Малайзия Қироли Туанку Сайед Сиражуддин Жамалуллайл шу куни Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб, Соҳибқирон Амир Темури ва унинг авлодлари ҳаёти ҳақида хикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди. Музейнинг фахрий меҳмонлар китобида дил сўзларини ёзиб қолдириди. Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ва Тошкент Ислоҳ университетидеги учрашувлар ўтказди.

Малайзия Қиролининг Ўзбекистонга ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА мухбири
СУРАТДА: ташриф паёти
Дилшод Юсупов (ЎЗА) олган сурат.

XVI саҳоси

Барча маълумлардақ олган сўйиш хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига мамлакатимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қўлловлар келиши давом этмоқда.
- Олий Мажлис ва халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши депутатлари — «Фидокорлар» Миллий демократик партияси аъзолари хайрли ташаббус билан чиқишди. Шовот туманининг узок қишлоқларидаги мактабларда таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларига 1,5 миллион сўмликдан ортиқ қийматдаги дарсликлар бепул берилди.
- Тошкент Давлат техника университети республикамиз олий ўқув юртлири ичида биринчи бўлиб шакллантирилган мультимедия синфига эга бўлди.
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Асқад Мухтор замондошлари хотирасида» китобининг тақдими бўлиб ўтди.
- Самарқанд вилоятининг эски суғориш тармоқларидан бири — Дарғом каналда 3 мегаватт қувватли янги электр станция ишга туширилди.
- Навоий вилояти, Навбахор туманидаги Янгикўрган қишлоғида 5 минг кишига хизмат кўрсатувчи врачлик пункти фойдаланишга топширилди.
- Қонимех туманидаги «Шўркўл» ширкат ҳўжалиги худудида иш бошлаган «Муқаддас замин» кичик корхонасида ўсимлик ёғи ишлаб чиқарила бошланди.

Жаҳонда

- АҚШ ички хавфсизлик вазири «Ал-Қоида» ҳаракати янги террорчилик хуружларини содир этмоқчилиги ҳақида хабар берди. CNN ахборот агентлигининг маълумотига кўра, террорчилар АҚШ чегаралари ёнидан учиб ўтаётган самолётларнинг бирини қўлга киритмоқчи.
- Ироқ оқори кенгаши қўшни давлатлардан тинчликпарвар кучларнинг мамлакатга киришига қаршилиқ қилмоқда.
- Россиянинг Владивосток шаҳрида ўт ўчирувчилар ўртасида Осиё кубоги баҳслари бўлиб ўтди.
- Доғистонда патрул-пост хизматининг тўрт нафар ходимини ўлдириб кетган жиноятчилар изланмоқда.
- Коста-Рикада 1968 йилдан бери тинч ётган йирик вулкон «Уйғонди».
- АҚШнинг Калифорния штатидаги Диснейлендда Америка тепалиқларида ҳаракатланаётган вагоннинг техник носозлик туфайли издан чиқиб кетиши натижасида 10 киши жиддий жароҳатланди, 1 киши ҳаётдан қўз юмди.
- Италияда 60-халқаро Венеция кинофестивали яқундан бош соврин — Олтин шер билан россиялик режиссёр Андрей Звягинцевнинг «Қайтиш» фильми тақдирланди.

**СЕССИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ —
СЕМИНАРЛАРДА**

«Маънавият ва маърифат» республика маркази Олий Мажлисининг иккинчи чакриқ 12-сессияси якунларига бағишлаб турли семинар ва учрашувлар ўтказмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Тошкентда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда мазкур маҳсама хизматчилари учун ташкил этилди.

Учрашув қатнашчилари Парламентнинг мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари бўйича кўмитаси раиси А.Турсуновнинг маърузасини тингладилар, унда сессияда қўрилган масалаларнинг ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг фуқаролик жамияти ва демократик давлат негизларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Шунингдек тадбирда мамлакат Куролли Кучлари қурилишининг янги концепцияси хусусида сўз юритилди. Бунинг ҳуқуқий асоси - Олий Мажлисининг аввалги сессияларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»/янги таҳририда/ ва «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунларидаир.

(ЎЗА)

**Ўзбекистон
Республикаси
Ташқи ишлар
вазирлигининг
2003 йил 29 август
куни Ироқнинг
Ан-Нажаф
шаҳрида содир
этилган
террорчилик ҳара-
кати
муносабати билан
берган
БАЁНОТИ**

Ўзбекистон шу йилнинг 29 августда Ироқнинг Ан-Нажаф шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатини қатъий қоралайди. Бегуноҳ одамларнинг ўлими бизнинг ғазабимизни кўзгади, қайғуга солди, ҳалок бўлганлар ва жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдира-миз.

Хоҳ миллий, хоҳ диний ёки сиёсий бўлсин, ҳеч бир гоя ёки мақсад ғайриинсоний хатти-ҳаракатларни оқлай олмайди, бундай хатти-ҳаракатларнинг барчаси терроризмдан бошқа нарса эмас.

Бу фожеа осойишта, демократик ва фаровон давлат қуришга бел боғлаган Ироқ халқининг қатъиятини синдира олмайди, деб ишонч билдира-миз.

Тошкент шаҳри
2003 йил 5 сентябр

Кунчиқар мамлакатнинг етакчи оммавий ахборот воситалари саналувчи «The Japan Times» ва «The Mainichi Times» газеталарида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган махсус саҳифалар чоп этилди.

**Япония матбуоти
Ўзбекистон ҳақида**

Авваламбор мазкур нашрлар ҳақида икки оғиз сўз: кунига қарийб 60 минг нусхада нашр қилинадиган «The Japan Times» инглиз тилидаги газеталар орасида энг етакчиси ҳисобланади. 1897 йилдан бери мунтазам чоп этилаётган газета Япониядан ташқари Европа, Осиё ва Америка минтақаларида ҳам ўз ўқувчиларига эга. 1922 йилдан бери нашр этилаётган «The Mainichi Times» газетаси эса ҳозирги пайтга келиб кунига 100 мингдан зиёд япон ўқувчилари томонидан мутлола қилинади.

Оқоридаги газеталарда эълон қилинган бош мақола «Ўзбекистон барча соҳаларда эришилаётган катта ютуқлардан мамнундир» деб номланади. Унда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида республикамизнинг жаҳон майдонида тобора ортиб бораётган мавқеи, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқро ҳавфсизлик борасида олиб бораётган ташқи сиёсати, мустақиллик йилларида эришилаётган иқтисодий ютуқларимиз, халқимизнинг бой тарихи ва анъаналари ҳақида сўз

юритилади. Мақола, шунингдек, Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг тарихи ва бугунги тараққиёти тўғрисида ҳам атрафлича ҳикоя қилади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2002 йил июль ойида Японияга қилган расмий ташрифи икки томонлама муносабатларда янги босқични бошлаб берди, - дейилади мақолада. - Ушбу ташриф чоғида ўтказилган учрашувлар ва уларнинг якунлари бўйича имзоланган расмий ҳужжатлар - «Ўзбекистон ва Япония ўртасида дўстлик, стратегик ҳамкорлик тўғрисида кўшма баёнот», «Ўзбекистон республикаси билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларга ёрдам бериш тўғрисида кўшма баёнот» ва бошқалар икки томонлама муносабатларни стратегик ҳамкорликнинг янги босқичига олиб чиқди. Шу орқали япон ҳукумати ўзининг Марказий Осиёда Ўзбекистон билан устувор

муносабат ўрнатганини расман тасдиқлади, - деб қайд этилади япон газеталарида.

Айни пайтда бугунги икки томонлама маданий алоқаларнинг ўзига хос тимсоли бўлмиш Тошкент шаҳрида яқинда барпо этилган «Маданиятлар карвон саройи» бизнеси сурати Ўзбекистонга бағишланган саҳифани беэза турибди. Саҳифада, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония-Ўзбекистон кўмитасининг раиси, «Mitsui & Co. Ltd.» компаниясининг раиси ва ижрочи директори Н.Охаши мақоласи ҳам эълон қилинган. Унда муаллиф республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларга юқори баҳо бера экан, жумладан шундай дейди: «Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат ҳисобланиши Ўзбекистон мустақиллиги кўлга киритгач, Президент Ислом Каримов раҳбарлиги остида қатор йўналишларда, хусусан иқтисодий ислохотларни амалга ошириш соҳаларида катта ютуқларга эришмоқда».

Япония матбуотида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб чоп этилган мазкур махсус саҳифалар мамлакатимизнинг жаҳонга тарқалаётган довури ва эътирофини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон» ахборот
агентлиги,
Токио.**

• ИҚТИСОДИЁТ

Юртимизда етиштирилаётган ширин-шакар мевалар, дармондориларга бой сабзавотларнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги ўрни каттадир. Уларни қайта ишлаш асосида тайёрланаётган махсулотлар эса табиий ноз-неъматлардан асло қолишмайди. Айниқса, мана шундай қайта ишланган, бежирим, чиройли идишларга қадоқланган тайёр махсулотларнинг ўзимизда тайёрланаётгани, уларнинг нафақат ички бозорда, балки дунё бозорига ҳам эътироф этилаётгани қувонарликдир.

Пойтахтимизда ана шундай корхоналардан бири — «GREEN WORLD» Ўзбекистон — Америка—Жанубий Корея кўшма корхонасининг иш бошлаганига 4 йил бўлди. Ўтган йиллар давомида жамоада ишлаб чиқариш ҳажмининг бир неча бор ортиши баробарида махсулот турлари ҳам 40 тадан зиёд бўлди. Албатта, хом ашёни қайта ишлаш, жаҳон андозалари даражада қадоқлаш учун замонавий технологиялар зарур. Шу боисдан ҳам хорижий ҳамкорлар томонидан корхона цехлари Англия, Германия, Италиядан келтирилган энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Ушбу дастгоҳлар ёрдамида корхона лабораторияси текширувидан ўтган барча турдаги мева-сабзавотларнинг соатига 5-6 тоннасини қайта ишлаш имконияти мавжуд. Шарбат линияларида эса бир сменада 18 минг банка махсулот тайёрлаш

мумкин.

— Қадоқловчи ашёларнинг асосий қисмини Хитой давлатидан оламиз, — дейди кўшма корхона бош ҳисобчиси Мунира Обитова. — Ҳозирги кунда эса Қувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамияти билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиб, турли ҳажмдаги шиша идишларга буюртмалар бераямиз. 10 турдаги табиий шарбатларимиз Хитойдан келтирилган 240 граммлик металл банкаларга қадоқланиб, уларнинг сақланиш муд-

датлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Янги махсулот турларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Жорий йилда 1 миллиард 200 миллион сўмлик махсулот тайёрлашни кўзда тутган жамоа аҳли газли ва йодли сув ишлаб чиқара бошлади. Бўқоқ касаллигининг олдини олишда муҳим ўрин тутадиган ушбу янги махсулот 1 литрлик елим идишларда қадоқланмоқда.


Ҳозирда юртимизда айни пишиқчилик даври. Бу эса корхона ишчи-хизматчилари учун ҳам қизгин фаолият даври ҳисобланади. Жамоа ҳўжаликлари-дан шартнома асосида хом ашё олиб, уни тайёр махсулот ҳолига келтираётган ва «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги билан жаҳон бозорига чиқараётган корхона аҳли ўз олдига янги мақсадлар қўйган. Ана шу мақсадлар эса уларни ҳамisha изланишга ундамоқда. Мақсадлардан бири шарбатларни татра идишларда қадоқлаш ва меваларни музлатиб сақлаш технологиясини ўзлаштиришдир. Албатта, изланиш,

янги ниятлар келгусида корхона ривожига, унинг ривожига эса мамлакатимиз иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса бўлади.

**Дилноза ФИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: тайёр махсулотлар корхонанинг мана шундай замонавий технологиялари махсулидир; Насиба Султонова сифатли махсулот тайёрлашда ўз хиссаси борлигидан фахрланади.**

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚМОҚДА



дати 2 йилни ташкил этади. Харидорларимиз — Россия, Украина, Белоруссия давлатларига махсулот экспортини йўлга қўйганмиз. Негаки асосий мақсадимиз импорт ўрнини босувчи ва экспортбон махсулотлар билан ҳам ички, ҳам ташқи бозорни таъминлашдир.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятига рақобатбардор махсулотлари билан ўз хиссаларини қўшишга интилаётган корхона тадбиркорлари айни кунларда Англия, Франция дав-

Фан

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ
ГЕОЛОГИК ХАРИТАСИ**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Сейсмология институти олимлари хариташунослик билан ҳам яқиндан шугулланиб келишмоқда. Бундай изланишлар натижасида қатор географик ва геологик харита ва атласлар босмага тайёрланди.

Лёс жинсларининг зичлиги, намлиги, чуқувчанлиги хусусиятларини ўрганиш асосида олиб борилган қузатишлар ҳам самарали бўлди. Бу бой маълумотлар Тошкент шаҳрининг 1:25000 масштабдаги «Лёс жинсларнинг зичлиги» деб номланган харитасини тайёрлаш имконини берди. Бунда Тошкентдоли ҳудуди лёс грунтларининг зичлиги ва ҳозирги замон техногенез таъсири ҳам инобатга олинди.

Мамлакатимизда биринчи марта тайёрланган ушбу харитада ерости грунт сувлар сатҳининг лёс зичлигига таъсирига оид маълумотларга ҳам асосланган.

**ХОРИЖЛИК
ОЛИМЛАР БИЛАН
ҲАМКОРЛИҚДА**

Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти томонидан олиб борилётган тадқиқотлар самарали бўлмоқда. «Ўзбекистондаги муқаддас жойлар, зиёратгоҳлар, сулола ва шажара» деган мавзуга бағишланган изланишларга ҳам қўл урилди.

Ушбу лойиҳанинг илмий-назарий ва амалий негизини юзага келтиришда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти билан ўрнатилган ҳамкорлик муҳим омили бўлмоқда.

Айни вақтда Марказий Осиёни ўрганиш француз тадқиқот институти ҳам бу борада ўз амалий ёрдамини кўрсатмоқда. Шу мақсадда бу институт Марказий Осиё аҳолиси ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маънавий ҳаётида муқаддас қадимжоларнинг тутган ўрни бўйича илмий қузатишлар олиб бормоқда.

Илмий лойиҳа натижалари халқаро доирада оммалаштирилди.

**ЙИРИК ИЛМИЙ-
ТЕХНИКАВИЙ
МАРКАЗ**

«Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси эндиликда «Замонавий информацион технологиялар» илмий-техникавий маркази деган мақомга эга бўлди. Бу марказ «Алгоритм-инженеринг» институти ва «Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси» махсус лойиҳа-конструкторлик бюроси ҳамда «Фидо-бизнес» жамиятини ҳам ўз ичига олди.

Марказ илмий-техник салоҳияти замонавий талабларга тўла жавоб берадиган автоматлаштирилган назорат ва бошқарув тизимларини яратиш дастури бўйича кенг қўламли тадқиқотларга қўл урди.

Акбар АЛИЕВ

ТАДБИРЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан «Севимли шахрим» акцияси доирасида «Озода шаҳар» деб номланган тадбир ўтказилди. Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ёшлар эътиборини шахримизнинг озодалиги ва саранжомлигига қаратишдан иборат бўлди.

ОЗОДА ШАҲАР

Тадбирнинг шу кунларда ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, юртимизнинг байрам шодиёнаси кунлари шахримизнинг 11 туманида жойлашган маҳаллаларда, кўча ва уй томорқаларида ободонлаштириш ишларини олиб борилиши кундан-кунга гўзаллашиб бораётган Тошкентимизнинг ҳуснига янада ҳусн бағишлади.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўнгилчилари ҳамда «Пойтахт — информ», «Ўзбегим таронаси», «Гранд», «Хамроҳ» радиостанциялари



бошловчилари 4 кун давомида шахримизнинг белгиланган жойларида навбатчилик қилдилар. Пойтахтимиз ободлигига ҳисса қўшган ёшларга «Камолот» ёзуви туширилган совғалар топширилди. Шунингдек, иштирокчилар орасида энг кўп меҳнат қилиб, кўчаларнинг озода бўлишига ўз меҳнатларини аямаган ёшлар радиода эфирга чиқишга муяссар бўлдилар.

Юлдуз УСМОН

«Меҳнат» нашриётида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари фаолиятини тартиблаштиришни кўнун ва қарорлар тўплами «Тўртинчи ҳокимият» номида ўзбек ва рус тилларида босмадан чиқди.

Тўпламнинг амалий аҳамияти катта. Чунки ундан ўқувчиларга илк бор матбуот, теле ва радиозиштириш соҳасидаги, шунингдек, аудио ва видеомаҳсулот ташувчиларни ишлаб чиқариш билан шугулланаётган ташкилот ва корхоналарни ташкил қилиш ва улар фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар тўлиқ ўрин олган. Тўплагма «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Ноширлик фаолияти тўғрисида», «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунлар ва Республика Олий Мажлисининг мурофий қарорлари иловаси билан кирган.

Кўрсатилган рўйхатни «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қўлай равишда тўлдирди, чунки бозор муносабатлари барқарор толган тизимда истеъмолчи бош ролни ўйнайди ва унинг овози ҳал этувчи ҳисобланади, режалар иқтисод шароитида истеъмолчи буларнинг барчасидан маҳрум бўлган эди.

ОАВ мақсад ва принциплари, фаолият олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни тақомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Матбуоти ва ахборот агентлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қароридан аниқ ифодаланган, ушбу тўплагма уларнинг матнлари ҳам кирган.

Давлат қурилиши ва жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида республика оммавий ахборот воситалари халқ ва ҳокимият ўртасида ўзаро тушуниш борлиги ва ошқоралик даражасини акс эттирадиган кўзгу сифатида хизмат қилади. Оммавий ахборот воситаларига қараб жамиятдаги демократик институтлар аҳволи ва уларнинг сиёсий етуқлигига баҳо бериш мумкин.

Жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги оммавий ахборот воситаларини таъсири уни қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятлари билан бир қаторда турадиган «Тўртинчи ҳокимият» дейиш имконини беради. ОАВ фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини, уларнинг умуммиллий вазибаларни ҳаётга

Янги нашрлар

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

табтёқ этишда қатнашишларини рағбатлантиришга қақиради. Матбуот, телевидение, радио ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашмас, равнақ топган демократик давлатни қуришдаги белгиланган маррага етиш муддати орқага сурилиши мумкин. ОАВ ҳаётимиздаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда таъсирчан восита бўлишлари учун, улар қонун томонидан амалдорларнинг зўравонлигидан ҳимоя қилинган бўлишлари керак. Ушбу мақсадда «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинган.

Энди журналистлар, таҳририят ва студия ходимларига берилган ҳуқуқ ва имкониятлардан амалда фойдаланиш, ўз ва жамоат манфаатларини биринчи навбатда, матбуот ва эфир сўзи орқали турли идораларда ҳимоя қилиш уларга боғлиқдир.

Ижодий касб вакилларининг ижтимо-

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ЮРТИМ КЕЛАЖАГИ

(Кўшиқ)

Кўз очиб кўрганим — ёруғ жаҳоним,
Кўксимдан жой олган азиз маконим,
Яғонам, дурдонам — Ўзбекистоним,
Дунёлар талпингай беланчагингга,
Юртим, ишонаман келажагингга!

Кўзимга сураман тупроқларингни,
Калбимга кўчириб чироқларингни,
Бир умр кучаман кучоқларингни,
Дунёлар талпингай беланчагингга,
Юртим, ишонаман келажагингга!

Истиқлол шамоли эсаверади,
Қарвон манзилни кўзлайверади,
Ўзбегим шухрати кезаверади,
Дунёлар талпингай беланчагингга,
Юртим, ишонаман келажагингга!

ий макomini, уларнинг маданият ривожига қўшган ҳиссасини ошириш, фуқароларнинг муаллифлик ҳуқуқлари, ақлзаковат мулкни ҳимоя қилиш янги ҳуқуқий меъёрларни қабул қилишни талаб қилди. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунида қўзда тутилган. Ушбу Қонун жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб беради. Шоубизнес ривожланиши ва маданият соҳаларига тадбиркорликнинг кириб бориши билан муаллифлик ҳуқуқларини бузиш ҳоллари кўпайди ва ушбу қонунни қабул қилиш зарурати ошди.

Кундалик ҳаётимизга реклама жадал кириб келмоқда. Бу эса уни намойиш этиш меъёрларини қабул қилишни тақозо этди (жой, вақт, объект). «Реклама тўғрисида»ги Қонун жамият ва тижорат манфаатларини муҳимлаштириш имконини беради.

ОАВни давлат тасарруфидан аста-секин чиқариш, уларнинг ижодий мустақиллигининг ўсиши илгариги Матбуот ва ахборот давлат қўмитасининг барча тузилмаларининг қайта ташкил қилиниши ва унинг Матбуот ва ахборот агентлигига айланишини белгилади.

Матбуот, телевидение ва радио капитали жойлаштириш ва айлантиришнинг муҳим соҳасига айланмоқда ва бозор муносабатларининг мустаҳкамланиши ва тарқалишига қўмаклашмоқда.

«Тўртинчи ҳокимият» тўпламида ҳужжатлар матнлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида қабул қилинган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ҳисобга олиниб, янгиланган таҳрирда берилган.

Ушбу китоб журналистлар ва бошқа ОАВ ходимлари, реклама берувчилар ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан манфаатдор бўлган шахсларга ишларида жуда қўл келади.

Абдулла СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ

ЯНГИ ДАСТУР ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 1-болалар богчасида Очқаж жамият институти - Сорос жамғармасининг Пекас лойиҳаси Step by step («Қадам бақад») дастурининг тақдироти ўтказилди. Бу ерда катта ёшдаги ва тайёрлов гуруҳлари хоналари 5 миллион сўмлик жиҳоз ҳамда ускуналар билан безатилди.

- 1994 йилдан буён Step by step (ISSA) дастури 27 давлатда қўлланиб келмоқда. - деди дастур директори Ҳамида Аҳмедова «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Дастур 10 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган бўлиб, унда бир миллиондан зиёд болалар ва ота-оналар иштирок этмоқда. Республикаимизда дастурни қўллаш жорий йилнинг сентябрь ойидан бошланди. Лойиҳа республикамизнинг олти вилоятидаги 18 та боғча ва 20 та мактабда таъриба сифатида амалга оширилди. Биз ЮСАИД билан ҳамкорликда болалар боғчаларининг тайёрлов ва катта ёшли гуруҳлари ҳамда мактабларнинг 1-синфларини зарур бўлган анжомлар билан таъминлаймиз.

- Фарзандимиз дунёга келиши билан унинг келажагини ўйлаймиз, - деди боғча мудири Назира Отабекова. - Бугунги тақдирот маросими боғчамизда ўтаётганидан беҳад хурсандман. Боғчамизнинг иккита гуруҳида, яъни оила, санъат, математика, адабиёт, қурилиш каби ўнга яқин марказлар ташкил этилди. Ҳар бир марказ лозим бўлган жиҳозлар билан таъминланди. Бундан ота-оналаримиз жуда мамнун. Тарбиячимиз Сурайё Фуломова дастур курсларида таҳсил олди. Эндиликда у туманидаги боғча тарбиячилари билан ўз таърибасини алмашади.

Ҳ.Аҳмедованинг таъкидлашича, дастурнинг асосий мақсади боланинг қизиқиши бўйича шакллантира бориш ҳисобланади. Мактаб ва боғчалардаги синфларда ҳамда гуруҳларда ташкил этилган марказлар уларга яқиндан қўмаклашади. Асосийси тарбиячилар малакали бўлиши лозим. Дарҳақиқат, жажжи қалб эгаларининг туйғуларини тушуниш биз катталардан сабр-тоқатни талаб этади.

«Туркистон-пресс».

Ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожига мамлакатимиз иқтисодиёти равангада, халқимиз фаровонлигида бекиёс ўрин тутади. Шу босидан ҳам мустақиллик шарофати билан ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ривожига кенг йўл очилди. Тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида уларнинг сафи кенгайиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, рақобатбардошлиги ортиб бормоқда, қўшимча ишчи ўринлари яратилмоқда. Тадбиркорлик ривожига уларга молиявий кўмак бераётган банкларнинг ҳам улуши каттадир. «Тадбиркор» акциядорлик-тижорат банки ҳам бу борада ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ушбу банк амалиёт бошқармаси бошлиги Нозим ХУСАНОВ билан суҳбатимиз жамоа ахлининг бугунги мақсадлари, уларни амалга оширишдаги ҳаракатлари, тадбиркорларга кредит ажратиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

— Нозим Бахтиёрович, аввало банкнинг ташкил этилиши ва вазифалари хусусида маълумот берсангиз.

— «Тадбиркор» акционерлик-тижорат банки мамлакатимизда тадбиркорлик ва мулкчиликнинг янги шакллари, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мавжуд корхоналар фаолиятини кучайтириш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 январдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, ана ўша йилнинг 28 апрелида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия берилди. Ана шундан буён ўтган давр мобайнида банкимиз ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлар, деҳқон хўжаликчиси, фермерларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Хусусий тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнесга молиявий ёрдам кўрсатишга иқтисослашган банкимиз миллий ва чет эл

Марказий банк бошқаруви томонидан 2000 йил 22 февралдаги 3-сонли баёни билан тасдиқланган ҳамда Адлия вазирлигида 2000 йил 29 февралда 902, 903 рақамлар билан рўйхатга олинган тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомига эга бўлган ва бундай мақомга эга бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган яққа тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликчиси миллий ва хорижий валютада микрокредитлар ажратилди. Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 мартдаги 902-903 рақамлари билан давлат рўйхатига олинган тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, фермер хўжаликчиси миллий валютада кредитлаш тартиблари асосида ўз маблағларимиз ҳисобидан имтиёзли жамғармадан микрокредитлар берилган. Ана шу микрокредитлар мақсадга мувофиқ ишлатилганлиги ишлаб чиқарувчиларнинг баракали меҳнатларида, ривожланиши ш л а р и д а аққол кўринмоқда.

МУСОҲАБА
МАДАДКОР
ВА ҲАМКОР

валютада банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Марказий банкнинг ружхатномасига эга бўлиб, қимматли қозғалар бозорига инвестиция воситачиси сифатида фаолият кўрсатиши мумкин. Шунингдек, МДХ ва чет эллардаги йирик банклар билан вакиллик муносабатларини ўрнатганмиз.

Банкимизнинг республикамизнинг барча вилоятларида 87 та филиал ва бўлимлари бўлиб, 50 мингдан зиёд мижозларга хизмат кўрсатади. Халқро молия ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликда ишлаймиз. Кредит линиялари кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган Европа Тараққиёт ва тикланиш банки, Ўрта Осиё—Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди учун ҳамкор банк сифатида фаолият кўрсатамиз.

— Жорий йилнинг ўтган ойларида тадбиркорларнинг кредитга бўлган талаблари қандай қондирилди?

— Банкнинг амалиёт бошқармаси томонидан жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли қарорининг бажарилиши бўйича кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда деҳқон ва фермер хўжаликчиси, бюджет ташкилотларига, хусусий тадбиркорларга, давлат ташкилотларига ҳисоб-китоб операцияларини бажаришда хизмат кўрсатишда ва кредитга талабларини қондириб мақсадида 257 миллион 607 минг 300 сўмлик қисқа ва ўрта муддатли кредит маблағлари берилди. Шундан қисқа муддатлиси 172 миллион, ўрта муддатлиси 85 миллион 402 минг сўмни ташкил этади. Кредитларнинг асосий қисми ўз маблағларимиз ҳисобига ажратилган.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган бу қарз маблағларидан маънавий хизмат, тиббиёт ускуналари, компьютер технологиялари ва ишлаб чиқаришга, чорвачилик соҳасига жами 240 миллион 407 минг сўмдан зиёд ажратилган бўлиб, бунинг эвазига 60 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Ўз фаолиятини бошлаётган тадбиркорларга бизнес-режа тузишда, тегишли хужжатларни тайёрлаш учун талаб этиладиган кичик технологияларни, асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича шартномалар тузиш ва бошқа хизматлар кўрсатишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда. Бўлимимизда ташкил этилган «Тадбиркорлар бурчаги» мижозларга яратилган қўлайликлардан саналиб, у ерда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, йўриқномалар ва ишонч телефонлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Бугунги кунгача банкимиз мижозларга

Бошқармаимиз томонидан банк хизмати кўрсатилаётган мижозлар фаолиятидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қондирди.

— Банк кредити асосида ўз фаолиятини янги йўлга қўйган, ривожланаётган тадбиркорлар ҳақида мисоллар келтира оласизми?

— Албатта. Бектемир туманида фаолият юритаётган «Хур жам» масъулияти чекланган жамиятига амалиёт бошқармаси қошида очилган мина банк томонидан кредит ажратилган. Ички бозорни турли хил сочқ маҳсулотлари билан таъминлаётган ушбу кичик корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, бозоригир маҳсулотлар тури кўпаймоқда. Шунингдек, «Ортопедия реабилитацияси» илмий ишлаб чиқариш корхонаси ажратилган кредит эвазига ногирон учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқариши ривожлантирилмоқда. Улар шахримизда ногиронлар уйлари ҳам ҳоимийлик қилишмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин шуни аниқ айта оламизки, ўрта ва кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса бўлади.

— Келгуси режаларингиз?

— Ташкил этилган вақтимиздаёқ олдимизга аниқ мақсад ва вазифалар юклатилган. Иқтисодий ислохотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб, ўрта ва кичик бизнес ривожига, хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликчиси молиявий мадад беришга, шу асосда уларнинг раванқ топишига, аҳолига зарур ва керакли, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига, намунали хизматни ташкил этишларида мададкор бўлаётганимиздан фохланамиз. Бу борада ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётган кредит ва пул муомаласи бўлими бошлиғи Шерали Набиев ва бўлим атақчи мутахассиси Нурбек Тўраевларни алоҳида таъкидлаш лозим. Келгусида ҳам ана шундай ҳодимларимиз сайё-ҳаракати билан ишларимизни давом эттириб, тадбиркорга омад ёр бўлишида, уларнинг республика иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни юксак бўлишида, шу билан бирга «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли жаҳон андозалари даражасидаги маҳсулотларнинг дунё бозорига чиқишида ёрдамимизни асло аямиймиз. Тадбиркорларга ҳамкорлигимизни амалдаги ишларимиз билан кўрсатамиз.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЁСОВА

ДИЛДАГИ ГАПЛАР
ГАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

● Фарход МАМАЖОНОВ, тадбиркор, корхона раҳбари: — Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга, ишбилармонлар сафини янада кенгайтиришга катта эътибор қаратишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуни кеча қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳам тадбиркорлик субъектлари учун қўлай имкониятларни туғдирди. Рўйхатдан ўтиш давридаги бюрократик тўсиқларга барҳам беришда катта аҳамиятга эгадир.

Ушбу қарорнинг 1-бандида тадбиркорлик фаолияти субъектларини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда аввало, розилик берувчи ташкилотлар сонининг қисқартирилиши ва иккинчидан, барча келишиб олиш тартиблари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қўнун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиладиган фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланиши тартибини белгилаш кўрсатишган. Бу, албатта, тадбиркорлик субъектлари учун жуда қўлай бўлиб, ортиқча овозагарчиликларнинг, бехуда вақт сарфлашларнинг олдини олади. Шу билан бирга тадбиркорлар сонининг

ортишида, уларнинг иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшишида муҳим роль ўйнайди.

БАРЧА МАСЪУЛ БЎЛСИН

● Нафиса ОДИЛОВА, хизматчи: — Яқинда «Чилонзор» буюм бозорига бўлдим. У ердаги расталарда маҳаллий сановат корхоналари, тадбиркорларимиз томонидан тайёрланган маҳсулотлар харидор сифатида мени мамнун этди. Негаки уларнинг аксарияти сифатли, рақобатбардош, хорижикидан асло қолишмайди. Албатта тадбиркорларимизнинг изланиши ва интилишлари, ташаббусли сарамасидир.

Лекин «Гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, баъзи бир сохта «тадбиркор»лар ҳамон қинғир йўллар билан бозорларимизга сифатсиз, усти ялтироқ, яроқсиз товарларни олиб кириб, содда харидорларни чўч туширмоқда. Шу босидан ҳам биз харидорлар ҳам истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қилиб, олаётган маҳсулотимиз сертификатига, ёрликка эътибор қаратишимиз лозим. Ана шунда ўзини «тадбиркорман» деб харидорни алдаётган, фақат чўнтаги хусусида ўйлаётган айрим кимсаларнинг таноби тортилди. Бунинг учун барчамиз масъул бўлмоғимиз, харидоригир маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашимиз лозим.

ТАДБИРКОР

Шаҳримизда фаолият юритаётган «Акома» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган болалар, аёллар, эркаклар ички ва устки кийим-кечаклари ҳақида ҳам ана шундай илқ гапларни айтиш мумкин. 1996 йилдан буён сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш йўлида изланаётган тадбиркорлар асосий мақсадларига — ички бозорни ўзинида ишлаб чиқарилаётган бежирим, чиройли, харидор талаблари даражасидаги трикотаж кийим-кечаклар билан таъминлашга астойдил ҳаракат қилишмоқда. Албатта, ушбу ҳаракат бозорни ўрганиш асосида тикланиётган хар бир маҳсулотда ўз аксини топмоқда.

— Аввалига мақсадиимизни амалга ошириш ниятида кичик тикув цехи фаолиятини йўлга қўйиб, бозорни ўрганиш асосида 2 хил аёллар ва эркаклар ички кийимларини тика бошладик. — дейди корхона директори Отабек Миржалолов. — Иш бошида ноқ сифатга, маҳсулотнинг турларини кўпайтиришга аҳамият бердик. Натижада харидорларимиз сафи кенгайиб борди. Тўқув ва буюш цехларини ишга туширганимиздан сўнг эса, имкониятларимиз янада кенгайди. Фаргона ва Бухоро ил-йигирув фабрикаларидан ип-кала ва олиб 50 фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига талаблар даражасидаги кийим-кечакларни тикишни йўлга қўйдик.

Бугунги кунда харидорга ҳавола этаётган маҳсулотларимиз тури 100 хилдан ҳам ортиб кетди. Мухими эса улар четдан келтирилаётган ана шундай кийим-кечаклар билан бемалол сифати, кўриниши, ўралиши жиҳатидан рақобатлаша олади. Нархи эса улардан бирмунча арзонлиги билан афзалдир.

Корхонада 22 нафар хотин-қиз чеварлар иш билан таъминланган бўлиб, цехларга ўрнатилган Япония ва Италиядан келтирилган дастгоҳлар асосида тажриба ва маҳоратларини ишга солишмоқда. Жорий йил бошидан бери мавсумга қараб 20 хилдан ортиқ янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишди. Булар орасида турли эркаклар қўйлақлари, спорт кийимлари замонавийлиги билан ажра-

либ туради. Бундай маҳсулотлар шахримиз ва вилоятлардаги савдо шохобчаларида сотилмоқда.

Албатта, ички бозорни харидоригир, керакли, четдан келтирилаётган товарларнинг ўринини босувчи кийим-кечаклар билан таъминлаш, уларга харидор эътиборини жалб этиш иқтисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўйилади. Шу босидан ҳам Президентимиз ҳамиша ўзинида ишлаб чиқарилиши мумкин ва зарур бўлган товарларни мамлакатимизда тайёрлаш лозимлигини алоҳида таъкидлайдилар. Негаки, бунинг учун юртимизда барча имкониятлар эратилмоқда, кичик ва ўрта бизнес раванқи, хусусий тадбиркорлик ривожига учун шарт-шароитлар мавжуд. Улардан оқилона фойдаланиш эса тадбиркорларнинг нечоғли ишбилармонлигига, изланишларига боғлиқ.

Корхона тадбиркорлари бунни дилдан ҳис этишади. Шунингдек, хар бир «Акома» ёрлиги билан тайёрланаётган маҳсулот сифати жамоанинг келгуси раванқи учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.



Тадбиркорлар учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.

Тадбиркорлар учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.

Тадбиркорлар учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.

Тадбиркорлар учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.

Тадбиркорлар учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.

Тадбиркорлар учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.

Тадбиркорлар учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.

Тадбиркорлар учун энг муҳим аҳамиятга эгадир. Шу босидан ҳам сифатга эътибор қаратаётган тўқувчи, буюқчи ва тикувчилар жамоасининг Нигора Хайдарова, Наргиза Абдуллаева, Гулбаҳор Хайдарова, Дано Раҳимова, Комила Эгамбердиева сингари илгорлари ҳамиша муваффақиятга интилишади.

Тадбиркорликнинг ўзи бўлмайди. Олдингизга бирор бир аниқ мақсад қўйишдан ташқари, уни амалга ошириш учун етарли билим, тажриба ҳам керак. Энг кераклиси эса меҳнат, меҳнат бўлганда ҳам сермашақат меҳнатдан чўчимаслигингиз лозим.



ИЗЛАНГАНГА — ОМАД ЁР

Шу босидан ҳам тадбиркор аёл Муршида Асадуллаева билан суҳбатлашганимизда ундан «Тадбиркорга вақт ганимат, у қанча бўлса ҳам камдек туюлади, ўйлаган режангизни амалга ошириш учун вақтни қўлдан бой бермаслик, ҳатто дақиқалардан ҳам унумли фойдаланиш керак», деган сўзларни эшитдик. Унинг ўзи эса буларнинг барчасига амал қилади. Биз билан суҳбатлашар экан, у орада ходимларига ҳали у, ҳали бу топшириқни берар, ҳатто тикув цехини ҳам бир неча бор айланиб, чеварлар меҳнатини кузатишга ҳам улгурарди.

— Ёшлигимдан тикувчиликка ихлосим банд эди, — дейди Муршида Асадуллаева. — Одамларга ярашиқли либосларни кўрсам кўзларим порлаб кетарди. Хар қандай кийим ҳам қимматбахо бўлиши шарт эмас, балки кийган одамга ярашиб турса барчанинг ҳавасини келтиради. Ана шу болалик ҳаваси аниқ мақсадга айланган, Тошкент тўқимачилик ва енгил сановат институтига кириб билимимни оширдим. Чунки яхши мутахассис бўлиш учун фақат ҳақнинг ўзини етмайди, балки пухта билим, яна тажриба ҳам керак бўлади.

Ўқишни муваффақиятли тугатгач, «Малика» ҳиссадорлик жамиятида технолог бўлиб хизмат кўрсатаётган Муршида Мустақиллик туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилганида ўзини синая қўришга аҳд қилди. Албатта, бунинг учун «Етти ўлчаб, бир кес» деган нақлга амал қилди. Нихоят 2000 йилда у Шайхонтоҳур туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ёрдами билан «Муҳиба» хусусий фирмасини очиб муваффақ бўлди. «Малика»да ўрганган тажрибалари асосида аввалига икки тикувчи билан иш бошлаган Муршида хар бир ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни бозорни ўрганган ҳолда, харидор талаби ва эҳтиёжи асосида тайёрлашга интилди.

— Аввалига осон бўлгани йўқ, — дейди тадбиркор аёл, — маҳсулот турлари хусусида ўйлаш, хом ашё масаласи, малакали ишчиларни жалб этиш... Лекин мен осон йўлдан бормадим. Ёш қизларни шоғирдикдан малакали чевар даражасига қўтаришга ҳаракат қилиб уларни ҳам изланишга ундадим. Мен уларга раҳбар эмас, балки маслаҳатдош, керак бўлганда дугона ҳам бўлдим. Шу босиб бўлса керак чевар қизларим ишга шу қадар киришдики, маҳсулотимиз сифати кундан кунга ортиб, буюртмаларимиз ҳам кўпайиб борди. Ҳозирга келиб фирмамизда 20 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Улар орасида Муниса Шарвурова, Азизахон Жўраева, Дилнода Алимхўмадовна, Дилорам Усмонова

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТДА: фирма чеварлари фаолиятини давом дора.

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТДА: фирма чеварлари фаолиятини давом дора.

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТДА: фирма чеварлари фаолиятини давом дора.

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТДА: фирма чеварлари фаолиятини давом дора.

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТДА: фирма чеварлари фаолиятини давом дора.

Дилноза ҒИЁСОВА
СУРАТДА: фирма чеварлари фаолиятини давом дора.

Сўраш, жавоб берамиз

ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ БОР?

Тадбиркорликнинг қандай шакллари бор ва улар бир-бирдан нимаси билан фарқланади?
Комила ИСАЕВА, Яққасарой тумани

Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида яққа тартибдаги меҳнат, хусусий тадбиркорлик, жамоа тартибдаги меҳнат ва аралаш тадбиркорлик фаолиятлари тадбиркорлик шакллари деб айтиб ўтилган.
Келиб чиқиб тарзига қўра, тадбиркорлик тузилмасини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:
— давлат тасарруфидан чиқарилган;
— хусусийлаштирилган;
— тижоратлаштирилган;
— нодавлат мулк эгаларининг улушлари ҳисобига;
— фуқароларнинг шахсий жамғармалари ҳисобига янги-дан ташкил қилинган.
Яққа тартибда фаолият кўрсатувчилар, одатда майда ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар. Бундай фаолият би-

лан фуқаролар юридик шахс мақомини олмасдан шуғулланишади. Яққа тартибдаги тадбиркорлик шахсий ва биргалликдаги тадбиркорликка бўлинади.

«Шахсий тадбиркорлик яққа тартибдаги тадбиркорларнинг ўзи томонидан мулк ҳуқуқида, шунингдек мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга мулклий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади», дейилган «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда.

Юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда биргалликдаги тадбиркорлик шаклларига эса қуйидагилар кирди:
Эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизинда амалга оширилган оилавий тадбиркорлик, шу жумладан, деҳқон

хўжалигининг умумий биргалликдаги мулки негизинда амалга оширилган деҳқон хўжалиги;
ўзларига умумий улуши мулк ҳуқуқида тегишли бўлган умумий мулк негизинда яққа тартибдаги тадбиркорликни амалга оширадиган ширкат.
Энди хусусий тадбиркорликнинг яққа тадбиркорликдан фарқи ҳақида гапирилса, хусусий тадбиркорликда фаолият кўрсатувчилар ўз фаолиятини ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борадилар. Улар юридик шахс сифатида иш қўрадилар ва ўз корхоналарини рўйхатдан ўтказишга мажбур. Ёлланма меҳнатдан фойдаланмайдиган хусусий тадбиркор (яққа тадбиркорлик) ўз фаолиятини юридик шахсни ташкил қилмай амалга оширади.

Муфта олам

Ўсимлик сутини
ичганмисиз?

Нафақат Мисрда, балки араб оламида илк бор соя ўсимлигидан сут ва қатиқ ишлаб чиқарувчи завод ишга туширилади.

Мазкур завод миллий илмий текшириш институти, қишлоқ хўжалиги вазирилик ҳамда озик-овқат технологияси институтлари билан ҳамкорликда узок муддат олиб борган технологик ва тиббий изланишлар натижасида мана шундай натижага эришди.

Соя сут маҳсулотлари ўзининг таркиби ўз фоида табиий ўсимликдан иборатлиги, унга ҳеч қандай саноят қўшимчаси қўшилмаслиги, холестерин моддасидан бутунлай холи экани, рақ касалиги қарши омилга эгаллиги билан ажралади. Шу боис ҳам у болаларга, юрак хасталиги, атеросклероз дардида дучор бўлган кишиларга бебаҳо қимматли, протеинга бой озиқа моддаси бўлиб хизмат қилади.

Озик-овқат технологияси институти ректори, доктор Аҳмад Хуршидиннинг таъкидлашича, соя сутини ҳайвон сутидан фарқли ўлароқ катта узок сақланса ҳам айнимайди. Айни чоғда у арзон бўлишига қарамадан ҳеч қандай касаллик ташимайди.

Завод директорининг айтишича, янги сут маҳсулотлари яқин ҳафтада чиқарилади.

Тозалашнинг
янги усули

Мисрда сувни хлор ва аччиқтош сингари моддалар ўрнига «Азон» ёрдамида тозалаш йўлга қўйилади. Қоҳирани сув билан таъминлаш муассасаси ҳамда АҚШ ўртасида сувни азон ёрдамида тозалаш ва поклаш мажмуининг дастлабки тажриба нусхасини сотиб олишга ахднома тузилди. Уни сув тозалаш станцияларидан бирига ўрнатиб синаб кўриладиган сувни хлор ва аччиқтош сингари моддалар билан тозалаш ўрнига бу янги усулдан кенг қўлдан фойдаланишга ўтилади. Бу ахднома АҚШ Мисрда кўрсатилган 5 миллион миқдордаги кўмак-мадад доирасида амалга оширилади. Қоҳирани сув билан таъминлаш муассасаси бошлиғи Лос Анжелесда ўтказилган ва сув таъминотига бағишланган жаҳон анжуманида қатнашиб қайтган, бу ҳақда баёнот берди. Мазкур анжуманда дунёнинг 54 давлат вакиллари иштирок этдилар. Миср давлати бу йрик анжуманга, сув тозалаш станцияларини қандай ишга туширишга оид иш варақасини тақдим этди.

Сабзи ёғи —
чехра мойи

Франциялик бир гуруҳ биологлар сабзи мойи асосида тайёрланган ва юзни қуёш ҳароратидан ҳимоя қиладиган янги маска — юз ниқобини кашф этдилар. Маълумки, А.В.С дармондориларига бой каротин моддаси сабзида кўп бўлади. У эса тери учун, айниқса ёз кунларида юзни қуёш нури таъсиридан ҳимоя қилишда ўта фойдаландир.

Бу ниқобни тайёрламоқчи бўлган киши 400 грамм сабзини олиб, ярим метр зайтун ёғига солади ва иккисини обдон аралаштирилади, кейин уни бир соат давомида ҳаммомдаги иссиқ сувга солиб қўяди. Шундан сўнг 24 соат тиндирилади, тозаланган уни юз ва баданга эрталаб ва кечкурун маска шаклида суркалади.

• КЎРГАЗМАЛАР

Замонавий санъат марказида Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этган «Менинг маҳаллам» мавзуда танлов кўرғазма очилди. Кўрғазмада 500 дан зияд рангтаъбир ва ҳайкалтарошлик санъати намуналари намойиш этилмоқда.

МЕНИНГ
МАҲАЛЛАМ

«Менинг маҳаллам» кўрғазмасига тасвирий санъат соҳибларининг кекса авлодидан шу кунларда ижод қилаётган ёш мўйқалам усталарига ҳам маҳалла мавзусига оид асарлари саралаб қўйилган.

Маҳалла ҳаётини пухта билган мусаввирларимиздан бири Ўзбекистон халқ расоми Зокир Иноғомовнинг «Бешик» (1984 йил) асари эътиборимизни тортади. Мусаввир халқ ҳаётини пухта ўрганганлиги боис қадимий урф-одатларимизни қандай бўлса шундайлигича акс эттиради. Олдидан карнай-сурнайчи, созанда, хонандалар, улар орқасидан бешик кўтарганлар, совға-салом билан бораётганлар тизилиб, одобретиром билан кетишаётгани ҳаётини манзараларда намойиш бўлган.

Қорақалпоғистонлик мусаввир Жўлибой Изентаев ҳам шу мавзуда «Она» портретини яратиб, ёнбошида бешикдаги болани тасвирлайди. Онанинг ўй-хаёллари, орзулари ҳаётини акс этган бўлиб, бешик шу хонадон кўрли, файзи эканлиги мадҳ этилади. График расом Марат Содиқов «Жимжитлик» асари билан бу мавзунини тўлдирди. Бу тасвирда ҳам она бешик олдида тасвирланган. Нима учун жимжит? Халқимизда «Болалик уй бозор, боласиз уй мазор» деган мақол бор. Бола ҳозиргина хонани гавжум этиб, ўйнаб ўтирганди, она уни бешикка белаб ухлатиб қўйди. Ҳаммаёқ жим-жит бўлди-қолди...

Маҳаллада яшаётган уй бекалари, чол, кампир, келинлар, қизлар, болаларнинг ўзларига хос ҳаракатлари ҳам тасвирларда ўз ифодасини топган. Истеъдодли му-

саввиримиз самарқандлик Аслидин Исаевнинг «Нева ва буви» асари ҳам диққатни тортади. Буви хаёли оғушида, нева-қизалоқ берилиб, расм чизмоқда. Тасвирий санъатга қизиқиши томошабинни ҳайратда қолдиради. Бу тасвир шу куннинг ҳаётини олинган бўлиб, ёш авлоднинг келажак сари интилишларидан дарак беради. Қизалоқ расмидаги аниқлик, ўзгаришлар келажакда албатта расом бўлишидан дарак бераётди. «Маҳалла қизлари» асарида қизларнинг миллий кўринишлари кўз-кўз қилинса, «Маҳалладош» рангтаъбирда маҳалла одамларининг иннокликларини кўриб ҳавасимиз келади.


Ўзбекистон халқ расоми, академик Бахтиёр Бобоев маҳалла одамлари ҳаётини яхши биладиганлардан. Уни айниқса аёллар турмуши, уй бекалари одатлари қизиқтиради. Мусаввир қўшни аёлларнинг ҳолатларини сира муволафаси тасвирлаган асарини «Сўхбат» деб номлаган. Шунингдек, кўрғазмадаги асарларнинг бир қанчасида келинларимиз меҳнат, оила курак-баракиси, фаровонлиги, онахонлар, отахонларнинг ўзларига хос кўринишлари,

Ўзбек хонадони, ўзбекнинг ораста ҳовлиси, кўчаси акс этган. Устоз мусаввир Чингиз Аҳмаровнинг умидли шогирдларидан бири ёш мусаввир Шаҳноза Абдуллаева асарлари орасида «Келин» портрети ҳам кўрғазма хоналаридан бирида намойишга қўйилиб, томошабинларга завқ бераётди.

Маҳалла ҳаётини чуқур билган истеъдодли мусаввирларимиздан яна бири уруш ва меҳнат фахрийси Ҳикмат Раҳмонов эди. Ҳикмат Раҳмонов мустақиллик замонида кўрмалар кетди. У киши миллий урф-одатларимиз, маҳалла ҳаётини жуда кўп асарлар ижод қилган эди. Унинг «Никоҳ тўй», «Қўша қаринлар», «Қилпилама», «Ўсма» асарлари санъат шанавадаларига яхши таниш. Булардан ташқари расом маҳалла болалари ҳаётини «Қизик китоб экан», «Тугилган кун», «Бобом олдида», «Ким кучли» рангтаъбирларида яхши тарбия олаётган маҳалла болаларини моҳирона тасвирлаган.

Фарғона водийсининг Ўш вилояти қишлоғи маҳалласида яшаган мусаввир Шўхрат Абдурашидов ёш бўлсада миллийликка интиларди. У ўз халқи урф-одатлари ва ҳаётини ўрганшига ҳаракат қиларди. Афсус, бу қобилиятли санъат шайдоси 1979 йилда бевақт оламдан ўтди. Кўпгина асарларини ўз оилавий ҳаётини бағишлаганди. Шуллардан айримлари кўрғазмадан ўрин олиб турибди. Унинг «Висол», «Ҳовли» асари никоҳ тўйларидан кейинги бахтли онлардан дарак беради.

Маҳмуд АҲМЕДОВ,
санъатшунос.



Инсон ўз бошидан кечирган машаққатли йилларни ҳам, ўтказган қувончли лаҳзаларни ҳам бир умр ёдидан чиқармайди. Утмишдан хулоса чиқариш донолик, чинакам инсонийлик фазилати бўлиб, бундай кишилар чуқур ҳурмат-эътиборга сазовор бўладилар.

Раънохон ҳожиона Муҳамедовани ҳам ана шундай табарруқ инсонлар сирасига қўшасанки ярашади. Майин жилмайиб, чуқур ўйлаб сўзлайдиган нуруний чехрали, оқила, иродали аёл, садақатли умр йўлдоши, меҳрибон она, набираларининг азиз, бағрикенг бувижонисини бўлган қалбидарё инсонни кўрган киши ҳаётда қийинчиликларга дуч келмаган деган ҳаёлга ҳам бориши мумкин. Тош келса кемириб, сув келса симириб, турмуш машаққатини нозик ёлқасида кўтариб яшаш табарруқ ўзбек аёлларига хос хислат эканлигини барча ҳам теран англайвермайди. Чунки, ориятли аёлларимиз, оналаримиз, момолазимиз нолишга эмас, шукр қилиб яшаган, қийинчиликларни мардонвор енгиб ўтишга ўрганишган.

Падали бузруквори урушга, ватан мудоғасига кетиб халок бўлганида Раънохон ая бир ёшда эканлар. Она икки қиз ва бир ўғилни далада кетмон чопиб ишлаб воёга етказди.

Болаликда кўрган-кечирганлар эсдан чиқмайди. Бу тўғрида Раънохон ая шундай эслайдилар: «Бир кун акамлар, нонга қорнимиз қачон тўяр экан», деганларида онам раҳматли, «Худо хоҳласа бу кунлар ўтиб кетиб шундай замон кела-

дики, нондек азиз неъмат кўплигидан шукроналар айтасанлар», дея жавоб қайтарган эдилар. Яратганга беҳад шукрим онам айтган давр келди. Шунинг учун ҳам ўтмишни хотирлаб яшаш хайрлидир. Биз кўршан очарчилик, оғир кунларни ҳозирги авлод асло кўрмасин. Одамлар бир-бирига меҳр-оқибатли, шафқатли, эътиборли бўлиши даркор. Табиб—табиб эмас, бошидан ўтган табиб, деганларидек болаларни эъозлаш, уларга меҳр

ли ишлар қилишдек қутлуг ниятларни қилдим».

Собир Раҳимов туманидаги Асқар Убайдуллаев маҳалласида жойлашган 2-мурувват уйда 450 нафар ногирон болалар доволанади. Бу шифо масканида ўз касбини, болаларни севган 50 нафар тарбиячи шифокор Умида Азизова бошчилигида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.

— Яқинда мен ўшбу мурувват уйдаги етти нафар болани суннат қилишга бел боғладим, — дейдилар Раънохон ая. — Тўй-тўйдек бўлиши керак деганларидек, 2-мурувват уйда қарнай-сурнай садолари янграб, хонандою созандалар ўз санъатлари билан болаларга бир олам завқ-шавқ бағишладилар. Катта дамқозонларда миллий таом — ош дамланди. 7 нафар тўй болага зарбфоч чоплар, салла, дўппи, миллий удум бўйича сарулолар қийдирилди. 10 нафардан зияд болаларга ҳам кийим-кечаклар ҳада этилди.

Чиройли, файзли, ноз-неъматларга тўла бўлган тўй дастурхонидан барча баҳраманд бўлди. Ҳеч ким эътибордан четда қолмади. Мўҳими, болаларга эзгулик улашилди.

Дарҳақиқат, хайрли ишларни сидқидилдан қилаётган, савоб ахтарган бағрикенг юртдошларимизнинг саъй-ҳаракатларидан хабардор бўлиш, ибрат олиш ва эзгуликка интилиб, қўлдан келганича муҳтожларга ёрдам бериб яшаш гуял савоб ишдир.

Уллубек ПЎЛТАОВ.

• ТАНЛОВЛАР

Шайхонтоҳур туманидаги «Илгор» маҳалласида болалар ўртасида «Севимли шахрим» акциясининг «Тоза шахрим» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

СЕВИМЛИ
ШАҲРИМ

Кўрик-танловда маҳалла болаларининг деярли барчаси иштирок этишиб, ўз маҳаллаларида тозалаш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришди. Болалар «Алломиш», «ЭКОСАН», «Камолот», «Камалак», «Қалдирғоч» деб номланган гуруҳларга бўлиниб қизиқарли ўйинларни ҳам ўтказишди.

Бундай тadbирларнинг ташкил этилиши маҳалла болаларининг танловда иштирок этишларидаги иштиёқини янада оширди. Ушбу тadbирда фаол иштирок этган болалар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундай хайрли иш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими хошидаги «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази ташаббуси билан ташкиллаштирилди.

— Маҳалла болаларининг бундай тadbирларда уюшқоқлик билан иштирок этишлари қувонарли ҳол, албатта. Болалар маҳалла кўралари ва ўзлари дам оладиган масканларни чиқиндилардан тозаладилар. Бундан ота-оналар ҳам жуда хурсанд бўлишди. Биз ёшларнинг ташаббускорлиги ва жамяятдаги фаоллигига қанчалик ишонч билдиришга қўлба-қувватласак, улардаги шижоат ва куч-ғайрат шунчалик ошади, — дейди «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Шаҳноза Умархўжаева. — «Илгор» маҳалласида уюштирилган ўшбу кўрик-танлов 4 кун мобайнида бўлиб ўтди. Лекин маҳалла болалари учун бу қисқа вақт давомидаги тadbир кейинги ишларидека катта маъсулятни юклади, дея оламиз. Зеро, маҳалла болалари маҳалла обод бўлса, кўнгиллар равшан, қилинадиган ишлар баракали бўлишини билишади.

Соҳиба УМАРОВА

• САҲОВАТ

БОЛАЛАРГА
ЭЗГУЛИК УЛАШИЛДИ

бериш керак. Чунки, норасидаларга беришган муҳаббат ҳам, бемехрлик ҳам уларнинг қалбидан ўчмайди. Инсон меҳрини баҳраманд болаларнинг юрагида яхшилик яшайди.

Шунинг учун ҳам ўткунчи умрда инсонга, айниқса болаларга яхшилик қилишга шошилиб яшаш файзли бўлиб, савобли амаллардан ҳисобланади. Олий ўқув юртида таҳсил олиб, олий маълумот эмас бўлдим. Ҳозирги даврда эса тadbиркорлик фаолияти билан шугулланиб келмоқдам. Замонанинг шарофати билан муборак ҳаж сафарига бўлганида, яратилган эл-юртимизга тинчлик, хотиржамлик, фазл-барокат, ҳар бир хонандога сийҳат-саломатлик, ободлик ҳамда баҳоли-қудрат азиз болаларга атаб хайр-

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганлиб
домо бўлур...

● Инсон кўлга киритган ўлжалардан энг хайрлиси — самимий дўстликдир.

Бир хинд донишманди айтди: — Дўстлик аломати мана шундай бўлади: дўстнинг дўстига, душманнига душман бўлсин, душманнингни дўст тутган киши сени дўст тутмайди.

● Исхок Мусилий деган фозил кунлардан бир кунги пулга муҳтож бўлиб, дўстидан пул қарз олиш учун унинг уйига борди. Дўсти уйда йўқ эди. Уйда фақат дўстининг канизаги қолганди. Исхок Мусилий канизакини чақирди:

— Менга биров пул керак бўлиб қолди, ҳожаңнинг ҳамёни олиб кел, — деди.

Каниза ҳожаңнинг ҳамёнини келтириб берди. Исхок мусилий дўстининг ҳамёнидан 10 сўмни олиб чиқиб кетди.

Бироздан сўнг Исхокнинг дўсти уйга келгач, каниза ҳожаңга:

— Сизнинг дўстингиз келиб пул сўради, ҳамёнингизни олиб чиқиб беришимни ўтинди. Мен у кишининг самимий дўстингиз бўлганини билардим. Шунинг учун ҳамёнингизни чиқариб бердим. У 10 сўм пул олиб чиқиб кетди. Ҳамёнингизни сиздан берухсат олиб чиқиб берганим учун айбиман, — деб узр айтди.

Ҳожаңи севиниб:

— Раҳмат сенга, меннинг уйда йўқлигимни билдирмабсан, самимий дўстимнинг ҳожати раво бўлибди, шу қилган ишинг учун сени овоз қилдим, — деб канизақдан кўп миннатдор бўлди. Мана шундай бўлади ҳақиқий дўстлар.

● Сенга яхшилиқни раво қўриб ширин хаёлларингдан уйғотишга мажбур этган ва ҳатто бундан биров қаттиққўл ва кўполлик қилган дўстингдан хафа бўлма.

● Ўз манфаатларини кўзлаб дўстлик изхор қилувчилардан йироқ бўлиш лозим.

● Қалбаки дўстлар — айб изловчи жосуслардир. Уларнинг қалбларини текшириб қарасанг, душманлиқдан бошқа нарса топа олмайсан.

● Бир мўътабар одамдан:

— Айтингчи, сизнинг қанча дўстингиз бор, — деб сўрадилар. У айтди:

— Ҳозир бахт-икболим камолга эришган. Молу-давлатимнинг ошган замонидир. Дўстларим ҳам жуда кўп, қанча дўстим борлигини ҳозирча айтолмайман. Ким билади, мабодо бахт-икбол мендан юз ўгириб, муҳтожликда қолсам, у чоғда қанча дўстим борлигини айтиб бераман, ўша вақтда қолган самимий дўстларимни сизларга номма-ном айтиб беришим мумкин бўлади.

Байт:

**Ҳамма ёринг эрурлар
неъматингда,
Ҳамма ходим эрурлар
давлатингда.**

**Агар давлат кетар, сендан
қочарлар,
Зиёнлар эшигин сенга
очарлар.**

● Инсон кўлга киритган ўлжалардан энг хайрлиси — самимий дўстликдир.

● Дўст уз дўстини зиёрат қилиши кўп иллатларга даъводир.

● Ҳамма ватандошларнинг бир-бирлари билан дўстона муносабатлари Ватаннинг тараққиётига сабабчи бўлади.

Қаердасан, «Тақачи»?

Бешёғоч атрофидаги бир маҳалла кўчаларидан кетиб бораётган эдим бир уйдан чиқиб туришган икки хотини бир қизча машинага кўл кўтаришди:

— Менинг онамни шундоқина Тақачига ташлаб қўйинг, — деди ёш ҳарон ва «Хайр, яхши боринг ойи», деб кексароқ хотин билан хайрлашди. Мен «Тақачи» маҳалласининг қаердалигини билмас эканман, шунинг учун йўлга тушгач ҳалиги йўловчи аёлдан сўрадим.

— Вой, «Тақачи»-ни билмайсизми? — деди ҳалиги аёл ва тушунтира кетди: — Шундоқина Шофайзуллоқдан чиқиб, Кўкча Оқтепасидан ўтсангиз Тақачида, айланай...

Жой сўроғи билан йўловчию менинг орамда «сўхбат» пайдо бўлди-қолди. Еши олтимишдан нариёғу етмишдан бериоқ бўлган йўловчи аёл гапга бир тушиб кетди денг, кўёвининг ношудлигию, ўғилларининг топармон-тутармонлиги қолмади, ўртанча ўғли «худо» менга ўхшаб одамларнинг ҳожатини чиқараркан» (яъни, кирақашлик қиларкан). Узи бўлса «яхшигина юрган» экан яқинда тоби айниб қолибди. Бошда бекор йўл сўраган эканман, ўзимдан катта одамнинг кўнгли қолмасин, деб «хи», «хи»-лаб бораёлман, қани энди гапини тўхтатса ҳалиги кампир тушмагур.

«Тақачи»га эса ҳамон етганимиз йўқ. Жоним ҳиқилдоғимга келгандай бўлди. Юра-юра мен ҳам, машина ҳам чарчиди, кулоқлар эса тамом батанг бўлди. Индамай қўйсам ҳам кампиршо олдинги «шиддат» билан гап устига гапни шифаб бораёпти. У «Ана «Тақачи»га келдик», дегандан кейин ҳам чамамда тўртта муюлишдан бурилиб, саккизта кўчани босиб ўтди-ов. Ниҳоят кампиршошни эшигини тақинасига олиб бориб туширдим. У тугун устига тугун рўмончасини атайлабми жуда имирсилаб ечди-ю арзиман пул узатди.

— Камига рози бўласиз, болам... — Э, мингдан-миг розиман, тезроқ тушинг, ҳола...

Кайтишда машинам ўнқир-чўнқирларда «тақ-тақ» қилиб тақирлар, мен эсам «Тақачи»ни энди елкамнинг чуқури курсин-а», — деб гудуллар эдим. Шу-шу бирор йўловчи бу маҳалланинг номини тилга олгудек бўлса, бир чўчиб тушадиган бўлдим.

Ҳаким паттачининг ...

Кечки пайт Бешқайрағоч томондан келаётган эдим, йўл четида бир одам кўл кўтарди. Рўпарасига келиб тўхтаган эдим, сап-сарикқина кўзлари аланг-аланг йиғит экан, бошини деразадан тикиб:

— Ху анави ерга — маҳалла ичига кириб яна шу ерга келамиз, фалон сўм бераман, — деди.

Қаранг, фалон жойга олиб борарканман, яна қайтариб олиб келиб қўйсам арзиманган фалон сўм оларканман. Тўғриси, бу тақлиф менга ёқмади. Аммо куруқ кетгандан кура:

— Мен бу ерларни яхши билмайман, борадиган жойимиз узок эмасми? — деб сўрадим.

— Яқин, шундоқина жойда, — деди йиғит.

— Майли, кетдик.

Йиғит айтган жой анчагина масофа экан, уни олиб бориб бир уйга кириб чиққунча кутиб турдим, кейин яна чиққан жойига олиб келиб қўйдим.

Яна сал ичкарироққа олиб кириб қўйинг, юз сўм қўшиб бераман, — деди йиғит.

Энди буниси ортиқча.

Умуман олганда ҳар қандай такси бунчаки ишга бормади, бурса ҳам кутиб турганига ҳам ҳақ олади. Ўзи ҳам ошиб кетди тўлайдиган қира ҳақингиз, — дедим мен йиғитга.

— Э, ака, нима девотсиз! — деб бирдан сайраб кетди ҳалиги йиғит. — Биласизми ким билан гаплашувотсиз? Мен хў Ҳаким паттачининг набираси бўламан-е! Қирқ йил Эски Жўва бозориде паттачилик қилганлар! Нима девотсиз?

— Афсуски, бобонгизга ишим тушмаган экан, — дедим мен.

— Менинг бобомни Тошканде билмаган одам бўлмаган, билдингизми? Унақамас-да энди! Мана, биз набиралари ни ҳам у кишининг ишларини давром эйтирвоёмиз!

Қарасам, йўловчининг «монолог»и тугамайдиган. «Ке, шуяма хафа бўлмасин», деб айтган жойига олиб бориб қўйдим ва бу довидирама-шовдирама йўловчимдан кутулдим.

Саломат бўлинг, Ҳаким паттачининг набираси!

Хотиндан қўйган...

Эски Жўва бозори олдидан ўтиб бораётган эдим бир йиғит кўл кўтарди: — Бодомзорга олиб бориб қўйсангиз, — деди у.

Йўли узокроқ бўлса ҳам «Ҳар қалай

бўш кетгандан кўра», деб рози бўлдим. Йиғит тўлагина халтасини олдинги ўриндиқнинг тагига жойлаштирди-да, кейин ўзи ўтирди.

— Энди, бозор қилмаса бўлмайди-да, — деди у менга қараб.

— Ҳа, албатта, — дедим мен машинамни ўриндан кўзгапти.

Халиги йиғит эса бозордаги нарх-наволарнинг қимматлигидан нолиб кетди:

— Картошка тўрт юз эллик сўм, пиёз беш юз сўм. Бунақад қанақа бўлади? Мен бош силкиб уни қувватлаган бўлдим. Йиғит эса ҳаётдан шикоятларини бирма-бир тўкиб ташлай бошлади.

— Бунинг устига хотиним ҳам кетиб қолди...

— И-е, нега? — деб сўрадим мен.

— Э... анувақа чекиб қолди...

— Қанақа?

— Э... юриб кетди...

— Нимага юриб кетди? — дедим мен ҳамон уни тушунмасдан.

— Э, ака, ўзим ошпазман, — гап дастурхонини ёзиб юборди ҳалиги йиғит. — Ишдан кеч келиб, эрта кетаман. Шу... хотинга қарашга ҳам кўл тегмайди денг... Шунданми хотиним «Сиз билан турмайман», деб кетворди-қўйди. Кейин билсам бошқани топиб олган экан... Бунга нима дейсиз, ака?

Мен бу йиғитга (исмини сўрасам — Хотамжон экан) ачинаган бўлдим ва:

— Э, унақа бўлса қўяверинг, бошқасига ўйланасиз-қўясиз-да, — деб уни юпатган бўлдим.

— Йўқ, энди сираям ўйланмайман, — бошини сарак-сарак қилди йиғит. — Хотин зотидан қўлимни қовиб, қўлтиғимга артдим.

— Қўйинг, ундай деманг, насиб қилса яна бирортасини учратиб қоларсиз, — дедим. — Дунёда нима кўп — хотин зоти.

— Ҳеч, ҳечам ўйланмайман, — деди Хотамжон қатъий қилиб. — Буларга ишончи бўлармиди... Биттасини олсам у ҳам кетиб қолса... Қилган харажатимга қўйиб қолавераманми? Энди ўйланмаган аҳмоқ йўқ! Мен, ака, тўтиқуш боқаман, Тўтиқуш — вафо, хотин жафо! — деб ўз сўзини тугатди йўловчим.

Бу орада машинамиз Бодомзорга етиб борган эди. Хотиндан қуйган Хотамжон халтасини кўтарганча машинадан тушиб қолди.

Осон бўлмади

«Лўлининг эшагини сўғору — пулини ол». Ешлигимда бу мақолни эшитиб юраддим. Бу — ҳар қандай меҳнатнинг айби йўқ, астойдил ишлаш керак дегани бўлади. Аммо мен бу мажозий мақолни «Лўлини уйига олиб бориб қўйиб пулини ол», шаклида бевосита қўлайман, деб ҳеч қачон ўйламаган эдим.

Чигатой дарвозаси томон кетаётган эдим, бир ўсимир бола қўлини кўтариб: Чукурсойга, — деди.

Машинамга бензин керак эди, шу боисдан бир тўлқанинг тагига ҳам боришга тайёр эдим.

— Утирақол.

Бироз юргач ёнимдаги йўловчимга қарасам — қоп-қора лўли.

— Лўлимисан? — деб сўрадим мен.

— Ҳа, — деди ҳалиги бола.

— Чукурсойда нима қиласан?

— Уша ерда тураман.

— Лўли бўлсанг Ачавотда турмайсанми?

— Ачавотда домлар тушиб лўлилар ҳар томонга тарқалиб кетди.

— Унда лўли эмас, узбек бўлиб кетибсизлар-да?

— Йўқ, нега? Лўлимиз...

— Ҳалиям, ҳалиги... атаманинглар борми?

— Бор. Биз уни сардор деймиз.

— Нима қилади сардорларинг?

— Лўлиларни бошқаради. Тўй бўлса ҳам, ўлим бўлса ҳам тепасида туради.

— Нима иш қилаёсизлар лўлилар?

— Ҳа, айтгандай лўли хотинлари ҳам эрларини боқошади...

— Ҳа. Лекин эркаклар ҳам қараб туришмайди. Шиша йиғишади, «бара» сотишади... Ишкилиб, бола-чақа боқошади-да.

— Сен нима қиласан?

— Бизнес.

— Қанақа бизнес?

— Сигаретфурушларини сигарет билан ташмайман...

— О, зўр-ку! Миллионер бўлай дедингми?

— Э, қаёқда. Ҳозирги пайтда миллионер бўлиш осон бўлибдими?

Биз лўли бола (исми Жасур экан) билан манзилга етгунча лўлиларнинг асл ватани Хиндистон эканлиги, лўли болаларнинг мактабга бориш-бормаслиқларини (хайрият, айримлари боришар экан), лўлилар билан узбеклар бир-бирлари билан қиз олиб, қиз беришаётганликлари ва бошқа анча нарсалар ҳақида гаплашдик. Лўли бола тушма-

гур ҳам Чукурсойнинг энг чуқурида турар экан, аранг етдик. Лўливио машинадан тушиб, арзиманган пул бераёпти.

— Эй бола, бу кам, чўз пулдан яна, — дедим мен.

— Эй, ака, ҳар кунги шу пулга келаман, — деб тихирлик билан даста пулини яширади лўли бола.

— Э, хасиллик қилма, яна икки юз чўз.

— Қўймадингиз-қўймадингиз-да, мана, — деб юз сўм чўзди лўли бола.

Ҳа, лўлининг пулини олиш осон эмас...

Товуши майингина қиз

Ёзувчилик кузатиш қурмасин-да, кирақашлик пайтда ҳам қўймайди-я...

Шаҳар кўчаларидан бирода кетаётган эдим қўзим йўл четида машинам томонга қараб турган бир йиғит билан қизга тушди. Йиғит баланд бўйли, қадди-қомати келишган бўлиб, унинг лўлига тикилиброқ турган қиз эса нозик-ноҳол, юзлари оппоққина эди. Улар яхши кийинишган, афтидан ҳеч нарсадан камчиликлари йўқ, бахтли жуфт эдилар. Йиғит машинамни тўхташтишга ишора қилди ва бир манзилга олиб бориб қўйишимни сўради. Мен рози бўлдим ва йиғит орқа эшикни очиб қизни ўтказиб, ўзи олд ўриндиққа ўтирди. Қўзи ўтирётган менга майин товушда салом берди, мен алик олдим ва машинамиз жойидан кўзгалди.

Йўлга қараб кетиб борардим, қўлогимга қизнинг орқа ўриндиқдан олдига

— Йиғитнинг қўлгои тарафга эгилиб ниларнидир гапириб бераётганлиги эшитиларди. Албатта,

бошқаларнинг гапларига қўлоқ солиб туриш ододдан эмас, аммо қизнинг бир оҳангда, секингина, жуда майин овозда гапирётганлиги менинг эътиборимни торта бошлади. Улар шунчаки, қундалик масалалар ҳақида гапираркан, аммо қизнинг овози шунақа майин, масъум эди-ки... Йиғит ҳам қизни гоят ҳурмат билан тинглаб борар, го-гоҳ қисқарса қисқа жавоб қайтариб қўярди. Шу зайл қўзланган манзилга етди-да, қиз тушиб қолди, йиғит ўзини яна бошқа манзилга элтиб қўйишимни сўради.

— Қизингизнинг товуши бирам майин эканки, — дедим мен беихтиёр йиғитга.

— Ҳа, бақироқ эмас, — деди йиғит ўйчан.

— Бўлажак келин шекилли, — деб сўрадим мен.

— Қошқийди, — деб бош чайқайди йиғит.

— Нега? Сизлар бир-бирларингизга жуда муносибга ўхшайсизлар-ку? — дедим мен.

— Афсуски, — деди йиғит яна ҳам маъусланиб. — У — касал...

— Касал бўлса — тўзалиб қолар, ёш-ку, — деб йиғитни юпатмоқчи бўлдим мен.

— Ҳамма гап шунда-да, — деди йиғит. — У тўзалимайдиган касал. Қон раки. Яна бир йил умри бормикин бечоранинг...

Бу сўзларни эшитиб бошимдан бир челақ совуқ сув қуйилгандай бўлди. Шундай қиз-а...

— Мен уни жудам яхши кўраман... Аммо бир кам дунё деганлари шу эканда, амаки, — деди йиғит.

Орага сўхнат чқиди. Мен йиғитга нима деб далада беришни ҳам билмас эдим. Йиғит манзилга етиб тушаркан, менга қараб:

— Хайр, амаки, — деди.

— Ажабмас, қизингизга худо шифо берса, — дея олдим мен.

Шаҳар кўчаларидан борарканман ҳозиргина машинадан тушган ва мен бахтли деб ўйлаган икки ёшнинг бир олам ташвишдан қараёт эдим, айниқча ўша қизнинг ўта майин товушлари қўлогимдан кетмасди...

Алданмаган фарангилар

Катта кўчадан кетиб бораётган эдим икки-уч киши машинамга кўл кўтарди. Тўхтайтиб қарасам — чет элликлар, гапларидан французлар. Музейлардан бирига боришмоқчи экан, олиб бориб қўйдиган бўлдим. Аммо улар машинага ўтирмасларидан олдин қира ҳақи қанча бўлишини сўрашди. Мен «бу чет элликлар билиб ўтиришбдими йўлнинг», деб сал баландроқ нарх сўрадим. Аммо улар бошларини сарак-сарак қилишиб, «фалон сўм бўлади.ҳолос», деб ўз нархларини айтишди. Мен бошқа юртларда саёхатда юришса ҳам ҳисоб-китобдан адашмаган бу меҳмонларга қулиб:

«Майли, сизлар меҳмонсизлар, бепул олиб бориб қўяман», дедим. Аммо улар манзилга етишгач менинг «олмайман», дейишимга қарамасдан тегилиш ҳақни тўлаб тушиб кетишди. Ҳа, фаранги меҳмонлар алданашмади ҳам, бизникиларга ўхшаб алдашмади ҳам.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ

Спорт

Олимпиадада қатнашишди

Маълумки, Грециянинг пойтахти Афина шаҳрида 2004 йилда ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Ушбу нуфузли мусобақаларда ўзбекистонликлар ҳам қатнашиб Ватанимиз шарафига ҳимоя қилишди. Маълум бўлишича, шу кунгача мамлакатимиз спортчилари Афинада бўладиган «Олимпиада-2004» ўйинларига 11 та йўлланма кўлга киритилган. Велоспорт бўйича С.Логутин, сузиш бўйича А.Агафонов, О.Лужнатий, А.Васильев, энгил атлетика бўйича С.Войнов, Л.Перепелова, Г.Хубиева, А.Жураевлева, В.Смирнов, спорт гимнастикаси бўйича О.Чусовитиналар Афинада юртимиз шарафини ҳимоя қилдилар. Дарвоқе, жорий йилнинг экинчи қадар ушбу рўйхат тўрт-беш баробар ортиши аниқ. Чунки ҳали яққакраш спорт турлари вакиллари — эшқак эшувчилар ҳамда камончилар Олимпиада довоми сари одимга киришганларича йук.

Тазквандочилар беллашди

Куни кеча Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида ёш тазквандочилар иштирокида турнир ташкиллаштирилди. Минглаб спорт мухлисларининг завқига завқ қўшган ушбу мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 300 нафар тазквандочилар голиблик учун кураш олиб боришди. Қизиқарли кечган беллашуларда Сардор Содиков, Фаррух Сармонов, Фарход Рустамов, Шахю Давирова, Алисия Тенлар бошқалардан кўра маҳоратлироқ эканликларини исботлашди ҳамда турнир голиблигини кўлга киритишди.

Чавандозлар Алматида

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида от спорт бўйича Осиё чемпионати баҳслари бошланди. Ушбу нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз шарафини чавандозлардан Искандар Йўлдошев, Ғайрат Назаров, Азиз Содиков, Александр Лоптев, Даврон Рузимухамедов, Иброҳим Йўлдошев ва Исажон Содиковлар ҳимоя қилишмоқда.

Тайёргарлик вази-фасини ўтади

«Пактакор» марказий стадионида энгил атлетика бўйича республика олий маҳорат мактаби биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкент шаҳри ва вилояти спортчилари голиблик учун кескин кураш олиб борган ушбу мусобақалар якунида эркаклардан Виктор Устинов, Рустам Хуснутдинов, Марат Бекмурзин, Марат Тарифуллин, аёллардан Светлана Раздевил, Лилия Дўстметова, Ольга Шунина, Марина Соипова, Светлана Климина, Зарина Исломова, Ирина Зудихиналар ўз йўналишларида голибликни кўлга киритишди. Ушбу турнир Ўзбекистон чемпионатида тайёргарлик вази-фасини ўтади. Дарвоқе, голиблар Ўзбекистон тарма жамоаси таркибига ақинда Дундабе шарида ўтказиладиган Марказий Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилдилар.

Ахбар Йўлдошев

2003 йил 16 март куни Сағбон кўчасининг Тўйчи ота дўкони олдида икки энгил автомашина «Нексия» ва «Ниссан» тўқнашиб кетди. Шу ҳодисани кўрганлар бўлса 34-06-37 телефонига қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

Омад сенга, Аня!

Анна Васина спортнинг пауэрлифтинг тури бўйича янги юлдуз бўлиб порламоқда. У ўз устида тинимсиз шуғулланганлиги боис шаҳар мусобақаларида 48 килограмм вазнда голибликни кўлга киритди. Шу йили пауэрлифтинг бўйича Қозоғистонда ўтказилган Осиё чемпионатида 2-ўринни эгаллаб, қумуш медаль соҳибаси бўлди. Бу Анна учун фақат янги имкониятлар эшигини очди десак хато қилмаймиз.

Ёзда шахримизда ўтказилган яқка баҳсларда 48 килограмм вазнда 105 килограмм оғирликни кўтариб рекорд ўрнатди.

Умид қиламизки, келгусида Анна бундан-да улкан муваффақиятларни кўлга киритади.

Орзулу РУСТАМОВА



СУРАТДА: пауэрлифтинг бўйича умидли спортчи Анна Васина машгулот вақтида Алексей Попов олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Камолот" ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

"Севимли шахрим" акцияси доирасида "Пойтахт-бизнинг нигоҳимизда" мавзусида энг яхши фотосуратлар кўрик-танловини эълон қилади.

Фототанлов уч йўналиш бўйича ўтказилади:

Кўхна Тошкент; Миллий қадриятлар; Истиқлол нашидалари.


Фотосуратларни Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14 манзилга юборинг.

Ҳар бир иштирокчидан 4-тадан кўп бўлмаган (алоҳида еки туркум) асар қабул қилинади, туркум ҳам бир асардек қўйилади.

Энг яхши фотосуратлар қил-наибҳо совбақар ва дипломлар билан тақдирланади.

Маълумотлар ТТV телеканали, "Пойтахт-информ" радиостанцияси, "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталарида.

www.tashkentkamolot.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03



Табассум
НАМОЙИШЧИЛАР

Умрида озгига бир култум ичимлик олмаган Бордон бекор бир кунни нима бўлибди-ю, роса ичибди. Қаерда кетаётганини, нима бўлаётганини билмасмиш. Гандирақлаб бориб симёғочга боши билан урилибди.

— Кечирасиз, — дебди гўлдираб. — Ассалому алайкум, намоийишга чиқибсиз-да.

— Кечирасиз — дебди яна гўлдираб. — Соғ бўлсинлар.

Бироздан кейин яна симёғочга урилибди.

— Мунча одамлар кўп, — гўлдирабди Бордон. — Ҳамма парадга чиққанми? Яхшиси бироз дам олай, одамлар сийрақлашганда уйга кетаман.

Бордон бекор бир маҳал ўзига келиб кўзини очса, тепасида хотини ўтирганмиш.

— Сен нима қилиб юрибсан кўчада? — ҳайрон бўлиб сўрабди у. — Намоийишга чиққандингиз?

— Сиз симёғочларни санадигиз, мен гурраларингизни санаб ўтирибман, — дебди хотини ҳозиржавоблик билан.

ШИРИН СЎЗНИНГ АЗОБИ

Бордон бекор аёли билан чой ичиб ўтиришган экан, хотини эрқаланибди:

— Дадаси 20 йил бўлди бирга яшаяпмиз. Менга мухаббат изхор қилганингиз эдингиздами? — Бордон бекор қалқиб кетибди. — Ушанда бирам ширин сўз эдингиз-ки!

— Бир озгиз ширин сўзинг азовини бир умр тортман деб ўшанда ўйламоқдим, — дебди Бордон бекор.

БАҲОСИНИ ҚЎЙИБ БЕРИНГЛАР

Бордон бекорни ўқимаган деганларининг ўзи бекор айтабди. Институтда мусика тарихидан имтиҳон топириш пайтида галати воқеа рўй берган экан.

Бордон имтиҳон билети олиб, ўтириб тайёрланибди.

— Қани Бордон бой, тайёрсизми? — сўрашибди домла. Бордон бош иргабди.

— Тайёрман.

— Қани саволларни ўқинг-чи.

— Биринчи савол: Борбад ҳақида нима биласиз? Иккинчи савол: Домла Ҳаким Ибодов ҳақида сўзланг.

Учинчи савол: «Муножот», — ўқибди Бордон.

— Қани, тайёр бўлсангиз биринчи саволга жавоб беринг.

— Борбад ўтмишимизнинг энг ажойиб созандаси бўлган. Марҳамат қилиб, унинг хотираси учун ўрнингиздан туринг.

Имтиҳон олаётганлар ноилгоқ ўринларидан туришибди.

— Домла Ҳаким Ибодов халқимизнинг ҳушовоз хонандаси, ажойиб ҳофиз бўлган. — Бордон давом этибди. — У кишидан бизга буюк мерос қолган. Шу ажойиб санъаткорнинг хотираси учун бир дақиқа бош эгшингизни сўрайман.

— Тезроқ баҳосини қўйиб бера қолайлик, худо кўрсатмасин яна «Муножот»ни айтасизлар деб қолмасин.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланган банд солинган қуйидаги автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.

1. "Иж-2715" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АҚ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз;
2. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЕ 558а" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О 51860К, бошланғич нархи 4 200 000 сўм;
3. "Москвич-2141" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10S 23-76, бошланғич нархи 405 427 сўм, техник носоз;
4. "Санг Енг Корандо" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йук, бошланғич нархи 960 000 сўм, техник носоз;
5. "Остен-Ровер-Монтего" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йук, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник носоз;
6. "Дэу-Леганза" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами О 51860К, бошланғич нархи 4 200 000 сўм;
7. "ДЭУ-Супер салон" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 494, бошланғич нархи 10 492 040 сўм, техник соз;
8. "ДЭУ-Эсперо" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 ТНС, бошланғич нархи 3 734 310 сўм, техник носоз;
9. "Ваз-2104" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 03-77 ТНД, бошланғич нархи 1 245 000 сўм, техник соз;
10. "Газ-31029" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АГ 077, бошланғич нархи 600 000 сўм;
11. "ГА3-5201" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АК 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
12. "ГА3-52" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
13. "Газ-52" автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;
14. "Газ-52" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 718, бошланғич нархи 750 000 сўм;
15. "Газ-53" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
16. "Газ-5204" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АР 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
17. "Авиа-А-31" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;
18. "Мерседес-Бенц" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йук, бошланғич нархи 700 000 сўм;
19. "КАВ3-664" автобуси, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АД 209, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;
20. "Камаз-432500" юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61ТНП, бошланғич нархи 2 858 350 сўм, техник носоз;

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси 2003 йил 9 сентябрь куни соат 14-00 да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.
Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимияти

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳакими — 2 босма табоқ офсет
усулида босилади.
4204 нусxada босилди. Қозоғ бичими А-3

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10 рақамни билан рўйхатта олинган

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта
булимларига ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-7405 телефонига
мувожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиш ва сақланиши.

«Шарк» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.